



## Concept, goals and tasks of corruption prevention in the sphere of public education

Malikabonu ABDULLAEVA<sup>1</sup>

Academy of Law Enforcement of the Republic of Uzbekistan

### ARTICLE INFO

**Article history:**

Received July 2023  
Received in revised form  
15 July 2023  
Accepted 25 July 2023  
Available online  
15 August 2023

**Keywords:**

corruption,  
corruption in public  
education,  
corruption risk,  
public education,  
corruption factor.

### ABSTRACT

This article analyzes the concept, purpose, and tasks of corruption prevention in the field of public education. The article examines the theoretical views of national and international scientists who have conducted research on this topic on corruption and corruption in the field of public education from a scientific and legal point of view, and the author's position regarding them is expressed. The author's definition of "corruption in the field of public education" and "corruption risk" has been also developed in the article. Based on the conclusions obtained as a result of the research, the author defined the tasks of preventing corruption in the field of public education.

2181-1415/© 2023 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol4-iss6/S-pp211-221>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

## Халқ таълими соҳасида коррупциянинг олдини олиш тушунчаси, мақсад ва вазифалари

### АННОТАЦИЯ

**Калит сўзлар:**

коррупция,  
халқ таълими соҳасидаги  
коррупция,  
коррупциявий хавф-хатар,  
халқ таълими,  
коррупциявий омил.

Мазкур мақолада халқ таълими соҳасида коррупциянинг олдини олиш тушунчаси, мақсади ва вазифалари таҳлил қилинган. Мақолада мазкур мавзуда тадқиқот олиб борган миллий ва халқаро олимларнинг коррупция ва халқ таълими соҳасидаги коррупцияни илмий-ҳуқуқий жиҳатдан таърифлашга оид назарий қарашлари тадқиқ этилган ҳамда уларга нисбатан муаллифлик позицияси билдирилган. Шунингдек, мақолада "халқ таълими соҳасидаги коррупция", "коррупциявий хавф-хатар" каби тушунчаларга нисбатан муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган. Тадқиқот натижасида

<sup>1</sup> Basic doctoral student, Academy of Law Enforcement of the Republic of Uzbekistan. Tashkent, Uzbekistan.  
E-mail: malikabonu.abd@gmail.com

олинган хулосалар асосида муаллиф томонидан халқ таълими соҳасида коррупциянинг олдини олишнинг вазибалари белгилаб берилган.

## Концепция, цели и задачи профилактики коррупции в сфере народного образования

### АННОТАЦИЯ

#### Ключевые слова:

коррупция,  
коррупция в народном образовании,  
коррупционный риск,  
народное образование,  
коррупционный фактор.

В данной статье анализируются понятие, цель и задачи профилактики коррупции в сфере народного образования. В статье рассматриваются теоретические взгляды отечественных и зарубежных ученых, проводивших исследования на тему коррупции и научно-правового определения коррупции в сфере народного образования, высказывается авторская позиция относительно них. Также в статье разработано авторское определение понятий «коррупция в сфере народного образования» и «коррупционный риск». На основании выводов, полученных в результате исследования, автор определил задачи предупреждения коррупции в сфере народного образования.

Халқ таълими соҳасидаги коррупцияга халқимизнинг эртанги куни бўлган ёшларимизнинг келажакдаги азалий орзу интилишлари, қизиқишлари ва ҳатто унинг келгусидаги шахсий ҳаётига салбий таъсир кўрсатувчи, замон талабларига тўла мос келадиган ҳар томонлама етук ва баркамол инсон бўлиб етишишига тўсиқ бўлувчи, ачинарлиси ҳуқуқбузарлик ва оғир жиноятларга ундовчи ёвуз кучдир.

Давлатимиз раҳбари Ш.М. Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномасида, “Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, таъбир жоиз бўлса, жамиятимизнинг барча аъзолари, “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланмас экан, ўз олдимишга қўйган юксак марраларга эриша олмаймиз. Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз керак” [1] деб таъкидладилар.

Шу ўринда, “...Бугунги кунда ислохотларимиз самараси кўп жиҳатдан тўртта муҳим омилга – яъни қонун устуворлигини таъминлаш, коррупцияга қарши курашиш, институционал салоҳиятни юксалтириш ва кучли демократик институтларни шакллантиришга боғлиқ. Афсуски, жамиятимизда коррупция илллати ўзининг турли кўринишлари билан тараққиётимизга ғов бўлмоқда. Бу ёвуз балонинг олди олинмаса, ҳақиқий ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яратиб бўлмайди, умуман жамиятнинг бирорта тармоғи ривожланмайди” деган фикрлари коррупцияни олдини олишнинг нечоғлик долзарблигини кўрсатмоқда.

Демак, коррупцияга қарши курашиш масаласи жамиятимиз ҳар бир аъзосига тегишли бўлиб, ҳалол ва виждонан меҳнат қилиш, коррупция оқибатлари билан курашишдан ҳам кўра, уни барвақт олдини олиш муҳим масаладир. Айниқса халқ таълими соҳасидаги коррупцияни ўз вақтида олдини олмаслик мамлакатнинг эртанги тақдирини тамомила барбод бўлишига олиб келади. Сифатсиз таълим берилиши оқибатида билимсиз кадрлар шаклланиб, энг ёмони таълим соҳаси эса ривожланмай коррупциянинг ботқоғига ботишига сабаб бўлади.

Халқ таълими соҳасида коррупциянинг олдини олиш муаммолари мамлакатимизда давлат сиёсати даражасигача кўтарилган масаладир. Шундай экан, унинг мазмун-моҳиятини чуқур англаб етиш, халқ таълими соҳасидаги коррупцияни олдини олиш чораларини аниқ тадқиқ этиш орқали биздан илмий таҳлиллар асосида мазкур янги тушунчага муаллифлик таърифни ишлаб чиқишни тақозо этади.

2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунининг 7-моддасида таълим турлари алоҳида белгиланган бўлиб, унга кўра, мактабгача таълим ва тарбия, умумий ўрта ва ўрта махсус таълим, профессионал таълим, олий таълим, олий таълимдан кейинги таълим, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, мактабдан ташқари таълимдан иборатдир.

Юқорида санаб ўтилган таълим турларининг айнан қай бири халқ таълими тизимига мансуб деган савол туғилиши табиий. Биз томонимиздан амалга оширилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили халқ таълими тизимига таълим турлари мансублик даражасининг аниқ рўйхати норматив-ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланмаганлигини кўрсатди.

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан умумий ўрта таълим соҳасида давлат бошқарувини амалга ошириш ваколатига эга бўлган махсус ваколатли орган бўлганлиги, қуйидаги келтирилган муассасалар учун мажбурий бўлган ва ўз ваколати доирасида норматив характердаги ҳужжат қабул қилиш ваколатидан келиб чиқиб, халқ таълими соҳаси деганда, умумий ўрта таълим тизимига мансуб бўлган барча таълим ташкилотлари, ихтисослаштирилган мактаблар ва мактабдан ташқари таълим ташкилотлари, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича таълим ташкилотлари ва бошқа давлат ва нодавлат таълим муассасалари, шунингдек, умумий ўрта таълим соҳасини бошқариш ваколатига эга бўлган давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ягона тизимини тушуниш лозим.

Энди халқ таълими соҳасидаги “коррупция” тушунчасига тўхталар эканмиз, аввало “коррупция” атамасининг луғавий маъносини англаш муҳим аҳамият касб этади.

Коррупция сўзи латинча “corruption” сўзидан олинган бўлиб, “пора бериб сотиб олиш” [2. Б. 211] каби маънони билдиради. “Коррупция” тушунчаси бўйича бир қатор халқаро ташкилотлар, эксперт-мутахассислар, ҳуқуқшунос олимлар томонидан ўзларининг илмий ишларида турли хил таърифлар беришган. Ушбу тушунча тарихига назар ташлайдиган бўлсак, дастлаб Г.Брукс ўзининг илмий ишларида “коррупция – оз ёки кўп миқдордаги шахсий манфаат кўриш мақсадида ўз мажбуриятларни қасддан нотўғри бажариш ёки бажармаслик ёхуд мансаб ваколатидан ҳеч қандай асосларсиз фойдаланиш”, – деб таърифлаган [3].

Ҳуқуқшунос олимларнинг илмий ишларида, коррупцияга берилган таърифни тор ва кенг маънода икки хил ёндашилганлигига гувоҳи бўлдик. Масалан, тор маънодаги ёндашувни Н.Кузнецова “коррупция – салбий ижтимоий ҳодиса бўлиб, ҳукуматни пулга сотиб олиш демакдир, бир шахсни моддий манфаатдор этиш эвазига уни ўзига оғдириб олиш мумкинлигидир”, – деб тарифлаган.

Тор маънода ушбу тушунчага таъриф берган ҳуқуқшунос олимлардан И. Карпец эса, “Коррупция жинояти таркибини кашф этиш ҳожати йўқ, “чунки жаҳондаги қонунларнинг бирортаси “коррупция” тушунчаси жиноят таркиби сифатида тилга олинмайди, зеро у жиноят таркибини ташкил этмайди, балки жиноятчилик сингари бошқа ижтимоий ҳодисалардек, ижтимоий ҳодисадир” деб таъкидлайди [4. Б. 15].

В. Комиссаров эса “коррупция” – бошқарув субъектларининг ҳокимият ваколатларидан фойдаланишда шахсий манфаатларини ҳокимият манфаатларидан устун қўйиш” деб, – кенгроқ таърифлаган [5. Б. 26].

Халқаро ташкилотлар ҳам коррупция тушунчасига ўзига хос жиҳатдан таъриф берган. Хусусан, Европа Кенгаши Гуруҳларининг (ГРЭКО) 1995 йил 22–24 февралда Страсбург шаҳрида Коррупция муаммолари бўйича ўтказган 1-сессиясида, “коррупция” тушунчасига қўйидаги мазмунда таъриф берилган. Зеро, коррупция – пора олиш (ўзига оғдириш), давлат ёки хусусий соҳада муайян ваколатга эга бўлган шахс, мансабдор шахснинг ёки хусусий соҳада фаолият юритадиган шахс ёки мустақил агентнинг ўз мансаб вазифасидан ёки шунга ўхшаш муносабатлардан келиб чиқадиган мажбуриятларини бузадиган, шунингдек, ўзи ёхуд ўзга шахслар манфаати йўлида ҳар қандай шаклдаги афзалликларга эга бўлиш мақсадида ифодаланган хатти-ҳаракат сифатида таърифланган [6. Б. 95].

Шунингдек, БМТнинг 1979 йил 17 декабрдаги мансабдор шахсларининг обод-ахлоқ Кодексида, “коррупция” – мансабдор шахс томонидан муайян ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир этиш (этмаслик) эвазига моддий манфаатдор қилаётган шахснинг манфаатини кўзлаб мансаб вазифасини бузган ёки бузмаган ҳолда, турли шаклда моддий қимматликлар олиш ёхуд мулкӣ наф кўриши сифатида кўрсатилган.

Н. Кузнецова, И. Карпец ва В. Комиссаровларнинг коррупция тушунчасига берилган тор маънодаги таърифларини мукамал деб кўрсатиш мушкул. Чунки уларнинг таърифларида коррупцияга хос бўлган бир-бирини такрорламайдиган бироқ ўзига хос белгилар билан изоҳлашган холос.

Бизнинг фикримизча коррупция – инсоннинг мансаби ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатлари йўлида фойдаланиши ёки бошқа шахсларнинг манфаатларини учун улардан моддий-номоддий фойда олиш учун ноқонуний равишда мансаб ваколатини суистемол қилиши, ундан фойдаланиши деб ҳисоблаймиз.

Мазкур таърифлар таҳлил қилинганда, Коррупция муаммолари бўйича Европа Кенгаши гуруҳи (ГРЭКО) аъзоларининг ишлаб чиққан таърифида, коррупцияга йўл қўйиши мумкин бўлган шахсларнинг алоҳида-алоҳида мустақил шаклларига эътибор қаратилган бўлса, БМТ томонидан ишлаб чиқилган иккинчи таърифда, коррупцияни содир этиш усулларига алоҳида ёндашилган.

Коррупция тушунчасига келтирилган аксарият тарифларда коррупция ва мансабдор шахс ваколатлари ўртасида боғлиқликка алоҳида эътибор қаратилган, чунки коррупция ва мансаб ваколати бир-бирини талаб этувчи омиллар саналади. Миллий ҳуқуқшунос олимларимиздан Р.А.Зуфаров фикрича, “Коррупция – давлат хизматидаги мансабдор ва масъул мансабдор шахсларнинг ўз мансаб мавқеи ва эгаллаб турган мансаб лавозими ҳамда у билан боғлиқ бўлган обрўсидан шахсий наф кўриш ёки бир гуруҳ шахсларнинг манфаатлари йўлида ғараз мақсадларда фойдаланишдан иборат бўлган ижтимоий хавфли қилмишлар йиғиндиси” [7. Б. 20].

Профессор Б. Ахроров фикрича, “Коррупция ўзида бир неча жиноятларни мужассамлаштирган, мансабдор шахслар томонидан давлат ҳокимияти ёки бошқаруви ваколатларидан фойдаланган ҳолда шахсий манфаатларни ёки бошқа шахслар манфаатини кўзлаб содир этиладиган жиноятлар йиғиндиси” [8. Б. 145].

Қ.Р. Абдурасулова, “Коррупция ижтимоий феномен, жамият ва ижтимоий муносабатлар натижаси, ижтимоий ва хўжалик фаолиятини бошқариш функциясининг ўзига хослигидан келиб чиқиб пайдо бўлади, яъни айнан шундай ҳолатда мансабдор шахсда жамият ва давлат манфаатларини эмас, балки, ўз шахсий ғараз ниятидан келиб чиқиб ресурсларни тасарруф этиш ва қарорлар қабул қилиш имкониятини ўзида вужудга келтириш”, – деб тушунтиради [9. Б. 25].

“Коррупция” тушунчасига берилган таърифлар ўзаро мунозарали бўлиб, унга берилган таърифлари бўйича якуний тўхтамга келадиган бўлсак, олимлар ушбу тушунча таърифида шахс ва жиноятни содир этиш усули бўйича алоҳида белгилар кўрсатилган ҳолда таърифлашган дейиш мумкин.

Ҳуқуқшунос олимларнинг илмий изланишлари натижасида коррупция тушунчасига 50 дан ортиқ муаллифлик таърифлари берилган. Халқ таълими соҳасида “коррупция” тушунчаси умумий хусусиятларни ўз ичига олиш билан бирга махсус соҳага оид хусусиятларини ҳам қамраб олади.

Таълим соҳасидаги “коррупция” тушунчасига дастлабки илмий йўналишдаги таърифни Стефен Хейнеман берган бўлиб, унинг фикрига кўра, “Таълимда коррупция шахсий ва моддий манфаат учун ваколатни суистеъмол қилиш ҳисобланади” [10. Б. 640]. У таълимни энг муҳим давлат бойликларидан бири сифатида баҳолаб, ушбу соҳадаги коррупция моддий манфаатдорлик билан бирга шахсий манфаатни (номоддий) ҳам қамраб олишига алоҳида урғу берган.

Фрэнк Анекьярико ва Джеймс Б. Джейкобс таълим соҳасидаги коррупцияга моддий манфаат учун ваколатни суистеъмол қилиш сифатида тариф берган [11].

А.Осипиан, таълим соҳасида коррупцияни давлат ёки корпоратив ишончли суистеъмол қилиш орқали таъқиқланган моддий ёки номоддий бойликлар олишдаги муносабатларни тартибга солиш учун яратилган норасмий алоқалар тизими деб ҳисоблайди [12].

Юқорида берилган таърифлар айрим жихатлари бўйича бир-бирини тўлдирсада, халқ таълими соҳасидаги “коррупция” тушунчасини умумий коррупция тушунчасидан фарқловчи хусусиятлари очиқ берилмаган.

А. Базхал, Т. Галковская ва О. Скрипкинлар “Таълимдаги коррупцияни давлат хизматчиси томонидан мансаб ваколатини суистеъмол қилиниши оқибатида таълим олиш ҳуқуқига, сифатига, тенглигига салбий таъсир қилувчи ҳаракатлар”, – деб баҳолайди. Фикримизча, мазкур таърифда таълим соҳасидаги “коррупция” тушунчасининг ўзига хос хусусиятлари қисман очиқ берилган бўлсада, бироқ фақатгина соҳадаги коррупциянинг салбий оқибатларини ёритиш билан кифояланган деб ҳисоблаймиз.

Энди “Халқ таълими соҳасидаги коррупциянинг олдини олиш” тушунчасига тўхталсак. Жиноят ҳуқуқи, криминология, жиноят-ижроия ҳуқуқи соҳасида илмий тадқиқот олиб борган ҳуқуқшунос олимларимизнинг фикрларига кўра ҳар бир соҳада коррупциянинг олдини олиш учун унинг сабабларини тадқиқ этиш лозим. Хусусан, профессор Қ.Р. Абдурасулова фикрига кўра, “Коррупциявий жиноятларни олдини олиш учун аввало уларнинг иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, психологик, ташкилий хусусиятларга доир сабабларини аниқлаш зарурдир” [9. Б. 24].

Р. Клитгаарднинг таъкидлашича, “Мансабдор шахснинг бирор хўжалик субъектига зарур бўлган хизматни кўрсатиши ёки маълум имтиёз беришда яқка ҳокимлик устидан назоратнинг сусайтирилиши коррупцион келишувларни юзага келтиради” [13].

Қ. Абдурасулованинг фикрларини тўлиқ қўллаб-қувватлаган ҳолда, бизнингча ҳам коррупциявий ҳолатларни олдини олиш учун унинг фақат сабаблари билан эмас, коррупцияни келиб чиқишига имкон берган шарт-шароитларни ҳам тадқиқ этиш албатта ўринли бўлади деб ҳисоблаймиз.

Бизнингча, сабаб ва шарт-шароитлар қуйидаги турларга ажратилишини тадқиқ этиш лозим: Иқтисодий сабаб ва шарт-шароитлар, яъни иқтисодий етишмовчилик, жуда кўп даромадга эга бўлганлар табақасининг шаклланиши, самарали бозор конкуренциясининг йўқлиги ва мансабдор шахслар маошларининг камлиги; Сиёсий сабаб ва шарт-шароитлар, яъни аҳолининг аксарият қисми ҳокимият, мулкни бошқариш, қонун ижодкорлиги ва уни қўллаш амалиётидан узоқда туриши, муқаддам жиноят содир қилган ёки жиноий гуруҳ вакилларининг давлат ҳокимияти органларида фаолият юритиб келаётганлиги, бир-бирининг такрорловчи вазифа функция ва ваколатларнинг мавжуд бўлиши, давлат хизматчилари сонининг ҳаддан ташқари кўплиги;

Ҳуқуқий сабаб ва шарт-шароитлар, яъни қонунларни қўллашдаги айрим муаммолар борлиги, коррупциявий хулқ-атворнинг турли кўринишлари учун белгиланган маъмурий ҳуқуқий чекловларни менсимаслик, давлат органлари ва мансабдор шахслар, давлат хизматчилари фаолиятини тартибга солувчи қонунда бўшлиқларнинг мавжудлиги;

Психологик сабаб ва шарт-шароитлар, яъни давлат хизматчиларининг пора олишининг узоқ тарихий анъаналарига эгаллиги, катта ёшдаги аҳоли қатламидаги инсонларнинг ҳуқуқий билимари етарли даражада эмаслиги, аҳоли аксарият қисмининг ўз қонуний ёки ғайриқонуний манфаатларини давлат хизматчиларини “сотиб олиш”га руҳий жиҳатдан тайёрлиги, одамларнинг онгида коррупциявий қилмишни содир қилганлик учун жавобгарликка тортилиш хавфи унча катта эмас деган фикрларнинг мавжудлиги;

Ташкилий хусусиятдаги сабаб ва шарт-шароитлар, яъни коррупцияга қарши курашишга қаратилган ҳуқуқий нормаларнинг қўллаш амалиёти нисбатан янгилиги, коррупциявий жиноят ва ҳуқуқбузарликлар статистиканинг тўла ва объектив эмаслиги, республика, вилоятлар, туман-шаҳарлар миқёсида реестрлар, яъни давлат хизмати ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ишлаши тақиқланган шахслар рўйхатини юритилмаслиги, қаришдош уруғчилик муносабатлари асосида уларнинг бир-бирини қўллаб-қувватлаши, тартиб ва адолат тамойилларига зид равишда қариндош ва яқинларга даромадли ва юқори даражадаги мансабларни тақдим этиш ва ҳ.к.

Коррупциявий омилларга чек қўйиш ва уларни олдини олишга қаратилган бундай чораларнинг турли соҳаларда бирдек жорий қилиниши албатта, келгусида коррупцияни барвақт олдини олиш учун хизмат қилади деб, ўйлаймиз.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, “халқ таълими соҳасидаги коррупция” тушунчасига қуйидагича таъриф беришимиз мумкин:

Халқ таълими соҳасидаги коррупция – халқ таълими соҳасида фаолият юритувчи шахснинг мактаб таълими соҳасида маъмурий бошқарув, таълим жараёни, меҳнат муносабатлари, молия-хўжалик фаолиятида хизмат ёки мансаб

мавқеидан, шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларни кўзлаб моддий ёки номоддий фойда олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш, бирон ноқонуний афзалликни ваъда қилиш, тақлиф этиш ҳисобланади.

Халқ таълими соҳасида коррупциявий ҳуқуқбузарликлар бошқа соҳадаги коррупциявий ҳуқуқбузарликлардан ижтимоий муносабатлар объекти, субъекти, ҳуқуқбузарлик мотиви ва мақсади қараб фарқ қилади. Кўрсатиб ўтилганларнинг фарқловчи омилларнинг барчаси бир вақтда намоён бўлган ижтимоий муносабатлар бўлиши лозим. Мисол учун, мактаб директори томонидан ўқувчининг ота-онаси билан моддий манфаатдорлик эвазига унинг баҳоларини аъло баҳога ўзгартириб бериши халқ таълими соҳасида коррупция ҳисобланади.

Юқоридаги мисолни жинорий ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қиладиган бўлсак, ўқувчининг олдинги баҳоларини аъло баҳоларга ўзгартириш ҳаракати халқ таълими соҳасидаги коррупциявий муносабат объекти, ўқувчининг ота-онаси, мактаб директори халқ таълими соҳасидаги коррупциявий маносабатлар субъекти, коррупциявий усулдан фойдаланиб аъло баҳо олишга уриниш халқ таълими соҳасидаги коррупциявий муносабат мотив ва мақсади ҳисобланади. Яна бир мисол, мактабда хорижий тилдан дарс берувчи ўқитувчи аттестация ёки малака имтиҳони топшириш учун малака ошириш марказида фаолият кўрсатувчи шахс билан моддий манфаатдорлик эвазига уни аттестация тестларидан (имтиҳонлари) ижобий ўтказиб бериши халқ таълими соҳасидаги коррупциядир.

Таҳлил қиладиган бўлсак мактабнинг хорижий тил ўқитувчиси, малака ошириш маркази мутахассиси халқ таълими соҳасидаги коррупциявий маносабатлар субъекти бўлса, уни аттестация имтиҳонидан ўтказиб бериш ҳаракати халқ таълими соҳасидаги коррупциявий муносабат объекти, коррупциявий усулдан фойдаланиб ижобий баҳоланишга уриниш халқ таълими соҳасидаги коррупциявий муносабат мотив ва мақсади ҳисобланади.

Халқ таълими соҳасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларни ушбу соҳада содир этиладиган коррупциявий ҳуқуқбузарликлардан фарқлаш зарур. Мисол учун, халқ таълими тизимида якуний аттестация имтиҳонларини топшираётган битирувчини имтиҳонда шпаргалка ёки бошқа воситалардан фойдаланиши халқ таълими соҳасидаги коррупциявий ҳуқуқбузарлик сифатида баҳолаб бўлмайди, бироқ ушбу ҳолатлар коррупциявий хавф хатарни юзага келтиради.

Коррупциявий хавф-хатарлар коррупциявий ҳуқуқбузарликларни келиб чиқишига ёки уларни кенг ёйилишига хисса қўшадиган ҳодисалар йиғиндиси ҳисобланади. Бироқ, мактаб битирувчисини имтиҳондан осон ўтиши учун имтиҳонда назоратчи сифатида бириктирилган ходим томонидан моддий манфаатдорлик эвазига ғайриқонуний имтиёзлар бериши, битирувчиларнинг ноқонуний ҳаракатларига ҳар қандай манфаатдорлик эвазига кўз юмиш каби ҳолатларни коррупциявий ҳуқуқбузарлик сифатида эътироф этиш мумкин.

Коррупциявий ҳуқуқбузарликда моддий ёки номоддий манфаатдорлик, ваколат суистеъмоллиги каби хусусиятлар ўта муҳим ҳисобланади. Бу хусусиятлар халқ таълим соҳасидаги коррупциявий ҳуқуқбузарликларни аниқлашда ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

“Коррупциявий хавф-хатар” тушунчаси “коррупция” тушунчасидан тубдан фарқ қилади. Коррупция якуний салбий оқибатга эга бўлган маълум бир ҳуқуқбузарлик бўлса, коррупциявий хавф-хатар шундай ҳуқуқбузарлик содир этилиш эҳтимоли, сабаб ва омиллар ҳисобланади.

Мамлакатимизда ҳам давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида коррупцияга қарши курашиш, уни келтириб чиқараётган сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш, коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолиятга оид самарадорлик кўрсаткичларини белгилаш ва уларни илғор халқаро стандартлар асосида баҳолаш тизимини жорий этиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 январда “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–81-сонли Қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор асосида, 2022 йил 1 июлдан бошлаб барча давлат ташкилотлари фаолиятига коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимига ўтилиши белгиланди (Қарорнинг 1-илоvasида, Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш эксперимент тариқасида ўтказиладиган давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари рўйхатида – Халқ таълими ҳамда мактабгача таълим вазирликлари киритилган).

Коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини рейтинг баҳолашнинг қуйидаги бешта йўналиш индикаторлари бўйича мезонлари белгиланди:

– давлат ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш бўйича механизм ва ҳуқуқий асосларнинг яратилганлиги ҳамда амалиётга татбиқ этилганлиги;

– коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш, баҳолаш ва уларни камайтириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилганлиги;

– давлат ташкилотлари раҳбарларининг коррупцияга қарши мурасасиз муносабатни кўрсатувчи хатти-ҳаракатларининг мавжудлиги;

– ходимларнинг коррупцияга қарши курашишга оид ички тартиб-таомиллардан хабардорлиги ҳамда ушбу соҳада билим ва кўникмаларини ошириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилганлиги;

– коррупцияга қарши курашиш бўйича тегишли соҳа ёки тармоқ кесимида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ушбу иллатга нисбатан мурасасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган тарғибот тадбирларининг самарадорлиги.

2022 йил 2 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг “E-anticor.uz” расмий сайтида эълон қилинган маълумотларга асосан, 2021 йил якуни билан Молия вазирлиги (22 балл), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (41 балл), Олий ва ўрта-махсус таълими вазирлиги (47 балл), Халқ таълими вазирлиги (52 балл) фаолияти махсус индикаторлар асосида баҳолашиб, коррупцияга қарши курашиш ишлари самарадорлиги “қониқарсиз” деб топилган [14].

Шунингдек, Агентликнинг 2023 йил 14 март кунги коррупцияга қарши курашиш индикаторлари бўйича рейтинг кўрсаткичларида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирилиги фаолияти бўйича бирор-бир маълумотлар мавжуд эмаслиги маълум бўлди [15].

Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлиги кўрсаткичи “қониқарсиз” деб топилган тақдирда, рейтинг баҳолаш якунлари бўйича тегишли чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиши лозим бўлади.



Халқ таълими соҳасида коррупцияга қарши муросасиз курашиш ва уни олдини олишга қаратилган йўл хариталари ва чора-тадбирлар дастури ҳам қабул қилинган эди.

Жумладан, халқ таълими вазири ўринбосари томонидан 2022 йил 14 февралда “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳудудий бошқармаларида яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олиш бўйича 2022 йилга мўлжалланган Йўл харитаси тасдиқланган бўлиб, мазкур йўл харитаси орқали яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши “комплаенс назорат” тизимини амалиётда изчил амалга ошириш чораларини кўриш белгиланди.

Шунингдек, халқ таълими соҳасида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш мақсадида халқ таълими тизимида амал қиладиган йиллик чора-тадбирлар дастури ҳам қабул қилиб келинмоқда. Хусусан, халқ таълими вазири томонидан 2022 йил 24 майда тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва унинг ҳудудий тузилмаларида Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2022–2023 йилларга мўлжалланган давлат дастурининг ижросини таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар режаси шулар жумласидан.

Мазкур Йўл харитаси орқали халқ таълими соҳасида коррупцияга қарши муросасиз курашиш мақсадида қуйидаги асосий масалалар белгиланди:

– халқ таълими соҳасида “комплаенс назорат” тизими самарадорлигини баҳоловчи рейтинг тизимини жорий қилиш;

– халқ таълими муассасаларига ходимларни ишга қабул қилиш, уларга иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни тўлаш, давлат харидларини амалга оширишда суиистеъмолчилик, маблағларни талон-тарож қилиш, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик ҳолатларини олдини олиш;

– Халқ таълими вазирлиги тизимидаги коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари билан Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва Бош прокуратура ўртасида ҳамкорликни ва аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан тезкор маълумотлар алмашувини йўлга қўйиш.

Бизнингча индикаторлар бўйича ушбу кўрсаткичларнинг Агентликнинг “E-anticor.uz” расмий сайтида мавжуд бўлмаслик сабаби сифатида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрда қабул қилинган “Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 269-сонли Фармонида мувофиқ, 2023 йил 1 январдан бошлаб Халқ таълими вазирлиги – Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги сифатида қайта ташкил этилганлиги деб кўрсатиш мумкин.

Бизнинг фикримизча, давлат органлари, корхона муассаса ва ташкилотларнинг коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини баҳолаш рейтингини бўйича кўрсаткичларни мунтазам равишда таҳлил қилиб борилиши кўрсаткичлари “қониқарсиз” бўлган ташкилотларда коррупциявий омилларни зудлик билан бартараф этишни ва бундай ишларни жадаллаштириш лозимлигини кўрсатади.

Халқ таълими тизимида коррупцияни олдини олишдан мақсад – халқ таълими тизимида қонун устуворлигини таъминлаш, ушбу соҳада фаолият кўрсатувчи барча ходимлар фаолиятида қонунийликни таъминлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этилишига қарши курашиш, халқ таълими

соҳасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этилишига имкон берувчи шарт-шароитлар, омиллар, хавф-хатарлар ва манфаатлар тўқнашувини бартараф этишдан иборатдир.

Ушбу мақсадга эришиш учун албатта бир қатор вазифаларни амалга ошириш лозим.

Халқ таълими соҳасида коррупциянинг олдини олишнинг вазифалари сифатида қуйидагиларни келтириб ўтиш мумкин:

– коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқишда халқ таълими соҳасига таалуқли таклифлар ва уларни амалга оширилишининг янгича механизмлари бўйича тегишли бандлар киритиш;

– халқ таълими соҳасидаги коррупцияга қарши курашиш доирасида жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширилишини ташкил этиш;

– халқ таълими соҳасида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга, уларни аниқлашга, уларга чек қўйишга, уларнинг оқибатларини, шунингдек, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир чора-тадбирлар самарадорлиги оширилишини таъминлаш;

– халқ таълими соҳасида коррупция ҳолати ва тенденциялари тўғрисидаги ахборотларни йиғиш ҳамда уларни таҳлил этиш орқали янги чоралар кўриб бориш;

– халқ таълими соҳасида коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилиши юзасидан назорат қилувчи органлар томонидан мониторинг қилиш, соҳадаги мавжуд ташкилий-амалий ва ҳуқуқий механизмларнинг самарадорлигини баҳолаш;

– халқ таълими соҳасида коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилиши юзасидан жамоатчилик назоратини кучайтириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

– халқ таълими соҳасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш ва ушбу соҳадаги ишларни яхшилаш юзасидан аниқ таклифлар ишлаб чиқиш;

– халқ таълими соҳасидаги ҳудудий органлар фаолиятини мувофиқлаштириш.

Хулоса ўрнида, халқ таълими соҳасидаги “коррупция” умумий коррупция таркибига кирувчи коррупциявий ҳуқуқбузарлик турларидан бири ҳисобланса, “коррупциявий хавф хатар” коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаб ва омиллари ҳисобланади.

Халқ таълими соҳасидаги коррупцияни олдини олиш тушунчаси, унинг мақсади ва вазифалари юзасидан аниқ таърифини шакллантириш тадқиқотимиз объектини, унинг чегараларини ва бошқа назарий тушунчаларни тўғри англаб олишга ёрдам беради.

Мазкур тушунчалар ўрганилаётган мавзунинг фундаментал назарий асослари бўлиб, халқ таълими соҳасидаги коррупциявий ҳуқуқбузарликларни бошқа соҳалардаги коррупциявий ҳуқуқбузарликлардан фарқлаш имконини беради.

**ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январь куни Олий Мажлисга қилган мурожаатномаси. // [https://nrm.uz/contentf?doc=612868\\_o%E2%80%98](https://nrm.uz/contentf?doc=612868_o%E2%80%98)
2. Юридик энциклопедия / ю.ф.д., проф У.Таджихановнинг умумий тахририда.-Т.: “Шарқ”, 2001.- 211-б.
3. Brooks, G. (2016) *Criminology of Corruption: Theoretical Approaches*. Basingstoke: Palgrave Macmillan // <https://www.uwl.ac.uk/staff/graham-brooks>
4. И.И.Карпец. Организованная преступность как социальная и юридическая проблема, ее тенденции и причины. Организованная преступность -2 // Под ред. А.И. Долговой, С.В.Дьякива. – М., 1993. – С.-15.
5. Кузнецова Н.Ф. Коррупция в системе уголовных преступлений – Вестник МГУ. – Сер. 11. -1993. № 1. С.21.4. Комиссаров В.С. “Уголовно-правовые аспекты борьбы с коррупцией”, Вестник МГУ. Сер. 11. - 1993. - № 1. С. 26. URL: <http://cj.bgu.ru/reader/article.aspx?id=21340>.
6. Симон, А. Л. (2010). Правовые основы международного сотрудничества в сфере противодействия коррупции. Вестник Волгоградской академии МВД России, (3 (14)), 92-100.
7. А.Р.Зуфаров, Б.Ж.Ахраров. Коррупция. Қонун. Жавобгарлик. Монография Т., 2011.- Б. 20
8. Б.Ж.Ахраров. Бошқаруви тартибига қарши мансабдорлик жиноятлари учун жавобгарлик муаммолари: юрид. фан.докт. ...диссертация. – Т., 2008 – Б.143-146.
9. Қ.Р.Абдурасулова. Коррупция жиноятчилигининг умумий тавсифи, сабаблари ва олдини олиш. Илмий мақола. Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали. Journal of law research/ 3-Махсус сони 20-28 бетлар.
10. Stephen P. Heyneman/Education and corruption/International Journal of Educational Development/ Volume 24, Issue 6, November 2004, Pages 637-648 <https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S0738059304000343?via%3Dihub>
11. <https://press.uchicago.edu/ucp/books/book/chicago/P/bo3633806.html>
12. <https://journals.sagepub.com/doi/pdf/10.1016/j.euras.2011.10.003>
13. R.Klitgaard. Gifts and bribes/ Zeckhauser R.J (Eds) Strategy and Choice.Cambridge: MIT Press, 1991
14. E-anticor.uz сайтининг 2022 йил 2 февраль маълумотлари.
15. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг расмий сайти <https://anticorruption.uz/uz/item/2023/03/14/korrupsiyaga-qarshi-kurashish-boyicha-chora-tadbirlarning-samaradorligi-reyting-baholashdan-otkazildi>